АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 14 МАЙ сешанба № 19 (275) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Bugunning gapi

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: МАСЪУЛИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

- *Излаган имкон топади, изламаган баҳона*
- *Мақолангиз қайси нашрдан қайтган?*
- *Малакали журналистлар етишмайдими ёки...*
- *Айбни бировдан эмас, ўзимиздан ахтариб кўрайлик*

Бир даврада журналистлар ҳақида суҳбат бўлди. Даврадошларнинг кўпчилиги менинг шу соҳада ишлашимдан бехабар эди. Кўринишидан анчагина салобатли бўлган даврадошлардан бири нолиб қолди: "Шу, журналист деганларига эркинликни жуда кўп бериб юборишдими, дейман-да. Яна денг, уларни аксарияти танқид деса, ўзларини томдан ташлайди. Ўнта яхши ишингни мақтамасликлари мумкин. Лекин агар биттагина хатони топса, дунёга овоза қилишади..."

Даврадагилардан кимдир имо қилди, шекилли, суҳбатдошимиз сўзини охирига етказмай тўхтатиб қўя қолди. Каминани бу даврага таклиф этган танишим пайтдан фойдаланиб, уларга мени таништирди. Журналист эканимни билган янги танишлар яна суҳбат ўзанини касбимиз томон бурдилар. Улардан бири ўзича хулоса ясаган бўлди: "Тўғри, ҳамма касбда бўлгани каби буларнинг (журналистларнинг демоқчи) ичида ҳам яхши-ёмони бор..."

Очиғини айтганда, даврада "қайси журналист яхшию, қай бири ёмон", деб тортишиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Шу соҳада ўн-ўн беш йиллардан буён қалам тебратиб юрган ижодкор сифатида шуни айтишим мумкинки, танқидий мақола ёзадиган журналистларга ҳеч қачон осон бўлмаган. Одатда, бирор танқидий мақолангиз эълон қилингач, танқид қилинган томон ўзидаги камчиликларни эмас, сиз мақола ёзишда йўл қўйган хатоларни қидиришга тушади. Танқидий мақола газета юзини кўрган кундан бошлаб, турли қўнғироқбозликлар-у асаббузарликлар бошланади.

Хуллас, танқидий мақола муаллифининг асосий вақти навбатдаги мақолани ёзишга эмас, балки ўзини оқлаш учун кетади. Бундай ҳолатни ўзим ҳам бошимдан ўтказганман.

Бу гапларим билан мен танқидий мақола ёзувчи ҳамма журналистлар ҳамиша ҳақ бўлади, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Кимгадир матбуот орқали ноҳақ азият етказган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ, дея олмаймиз. Лекин бундай ҳолатларда азият чекканлар ўзларини қонун асосида ҳимоя қилсалар бўлади-ку! Нега энди таниш-билишларга мурожаат қилишлари керак? Ҳақмисиз, ўзингизга ишонасизми — марҳамат, судга мурожаат қилинг. Амалдаги қонунларимизда матбуотда бирор кишининг шахсига тегиш ёки нотўғри маълумотларни эълон қилиш учун қандай жазо чоралари кўрилиши белгилаб қўйилган.

Энди бояги суҳбатдошлар айтган иложи борича бировга озор беришдан ўзини олиб қочадиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Тўғри, кимки, нимаики ёзса, ўз иқтидоридан, ўз дунёқарашидан келиб чиқиб ёзади. Бирор бир журналистни ҳаққоний танқидий мақола эълон қилгани учун айблаб бўлмаганидек, тўғри маънода ижобий мақола ёзган журналистни ҳам айблаб бўлмайди. Лекин шу ўринда биз, журналистлардан давр, қолаверса, Юртбошимиз нимани талаб қилаётганини унутишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Тан олиб айтиш керакки, бирор бир даврда журналистлар бизнинг давримиздагидек қонун ҳимоясига олинмаган. Бирор бир давлат раҳбари журналистларни мамлакатимиз раҳбари сингари "қўрқманглар, рост гапни ёзинглар, орқаларингда мен турибман", деб қўллаб-қувватламаган. Юртбошимиз бугунги журналистка ҳақида, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ҳақида, матбуотда фикрлар хилма-хиллигига эришиш ҳақида ўз нутқларида жуда кўп тўхталиб ўтганлар.

Куни кеча Юртбошимиз Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хотира майдонида бир гуруҳ зиёлилар билан учрашувда ҳам шу мавзуга алоҳида тўхталдилар. Яна бир карра таъкидладиларки, матбуот эркин бўлмас экан, фикрлар хилма-хиллигига эришмас эканмиз, таррақиётимизнинг олдинга силжиши осон кечмайди. Демак, яна журналистларга ишонч билдирилаяпти. Бу ишончни қай даражада оқлаш, ўзимизга, меҳнатимизга, фидоийлигимизга боғлиқ.

Матбуотимиз, журналистларимиз фаолияти ҳақида гап кетганда, танқидий фикрлар ҳам қулоғимизга чалинди. Айниқса, мамлакатимизга ўгай кўз билан қаровчи, тарихан қисқа давр ичида қўлга киритган ютуқларимизни кўролмовчи, айрим хорижий матбуот вакиллари юқоридаги гапни такрорлашни яхши кўрадилар. Баъзан ўзимизни орамизда ҳам уларнинг фикрларини қўллаб-қувватловчилар топилиб қолади.

Мана, бир мисол: яқинда талабалар билан тахририят ходимлари ўртасида бир учрашув ўтказдик. Учрашув одатдагидек газетамизнинг фаолияти, бизнинг келгуси режаларимиз... ва шунга ўхшаш кундалик гап-сўзлар билан бошланди. Агар кутилмаган бир савол бўлмаганида эди, шундай тугаши ҳам мумкин эди. Лекин аудиторияда ўтирган талабалардан бири хат орқали матбуотимиз ҳақида танқидий фикр билдирди.

Биз бу саволга савол билан жавоб беришимизга тўғри келди: хўш, айтинг-чи, сизнинг қайси мақолангиз, қайси газетадан қайтган?

(Давоми иккинчи бетда)

Тоғ бағрида кезинаётган баҳор

10 май куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида ҳам ушбу санага бағишланган "Мумтоз наволар гулшани" адабий-бадиий мусиқали санъат базми бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида Европа киноси кунлари бошланди.

* * *

Бухорода "Буюк ипак йўли — тинчлик рамзи" шиори остида "Ипак ва зираворлар" халқаро сайёҳлик фестивали ўтказилди.

* * *

Мисрнинг Шарм ал-Шайх оромгоҳида ушбу мамлакат президенти Хусни Муборак, Саудия Арабистонни валиаҳд шаҳзодаси Абдулла ва Сурия президенти Башар ал-Ассадлар иштирокида Яқин Шарқ масалаларини ҳал этиш бўйича музокаралар бошланди.

Adliya tizimi

АНДИЖОН

Судларга жами 195 та 53 миллион 506 минг 556 сўмлик даъво аризалари киритилди. Фермер хўжаликлари, оила пудратчиларига 2 миллион 718 минг 971 сўмлик маблағлар ундириб берилди. Апрел ойида Асака туманидаги Ғулом Ёқубов номидаги ва "Янги ҳаёт"ширкат хўжаликлари бўйича ва бошқа судга чиқарилган 203 та даъво аризалардан 180 таси тўла қаноатлантирилиб оила пудратчиларига пилла хомашёси учун 3 миллион 102 минг сўмлик маблағлар ундириб берилди.

* * *

Фақат шартномавий муносабатлар бўйича жами 15 та шикоят аризалар тушиб уларга қонуний ёрдам берилди. Қонун бузилишларини бартараф этишликни билдириб давлат бошқаруви ва корхоналар раҳбарларига 35 та тақдимномалар киритилиб, қонун бузилишлар бартараф этилди.

* * *

Кўрилган чора тадбирлар натижасида судга даъво аризаси киритилмасдан Жалолқудуқ тумани "Агрокимётаъминот" акциядорлик жамияти томонидан 3 та деҳқон хўжалигига уларнинг 192 минг 894 сўмлик, "Андижон донмаҳсулот" акциядорлик уюшмасидан 6 та тадбиркорлик субъектига эса 1 миллион 699 минг 47 сўмлик маблағлар ундириб берилди. «Андижон ёғ-мой» акциядорлик жамиятидан 11 та тадбиркорлик субъектига 2 миллион 323 минг 458 сўм маблағлари ундириб берилди.

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС



Ҳеч эътибор берганмисиз, Ватанни ҳамиша Онага қиёслаймиз. Оёқ остидаги тупроқни ҳам Она Замин деб эъзозлаймиз. Бирор нарсани муқаддаслигини таъкидлагимиз келса ҳам Онага менгзаймиз. Бу бежиз эмас. Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: фарзанд Онасиз дунёга келмаганидек, инсон ҳам Ватансиз туғилмайди.

Ватаннинг Онага менгзалишининг яна бир маъноси бор. Она ўз фарзандига нақадар меҳрибон бўлса, Ватан ҳам ундан кам бўлмаган меҳр кўрсатади ўз дилбандларига. Ана шунга яраша, содиқ ва фидойи фарзандлар ҳам керак бўлганда ўз Оналари, ўз Ватанлари учун жонларини ҳам аямайдилар.

Тарих китобларини бир варақлаб кўринг, қай бир замонда юртимизга ёмон кўз билан қараган ёвлар тирғалмаганлар? Кимлар бизнинг муқаддас Она тупроғимизни топташни истамаган? Кимларнинг пешонаси Ватаннинг фидойи фарзандларининг қалқонларига тегиб ёрилмаган? Ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда Ватаннинг содиқ ва фидойи фарзандлари Ватан озодлиги учун ўз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, уни ёв топташига йўл қўймаган. Ватан ҳам ўзининг фидойи фарзандларини ҳеч қачон хотирасидан ўчирмаган.

Агар Ватан унутганда эди, оддий чўпон Широкнинг жасорати асрлар оша бизга етиб келмаган бўларди. Агар Ватан унутганда эди, бугун биз озодлик учун жон тиккан Тўмарис момомизни танимаган бўлардик. Агар Ватан унутганда эди, тарихда ўтган минглаб жалолиддинлар, юзлаб темурмаликлар биз учун фидойилик тимсоли бўлиб хизмат қилмаган бўларди.

Нафақат асрлар оша, балки яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак ҳам бундай мисолларни истаганимизча келтиришимиз мумкин. Яқиндагина мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигига рахна солишга уринган ёвуз террорчи гуруҳларга қарши курашда қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фидойи йигитларни олиб кўрайлик. Ватанимизнинг мард ва фидойи фарзандлари ўз қонлари эвазига, ўз жонлари эвазига ОЗОДЛИКни, МУСТАҚИЛЛИКни ҳимоя қилдилар. Ана шу ОЗОДЛИК ва МУСТАҚИЛЛИК аталмиш неъматларни кўз қорачиқларидек асраб қолдилар.

Юқорида Ватан ўзининг фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди, дедик. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Жиззах вилоятида 2000 йилнинг августида мамлакатимизнинг сарҳадларини ашаддий террорчи гуруҳлардан ҳимоя қила туриб ҳалок бўлган Ватанимизнинг жасур ўғлонлари хотирасига бунёд этилган хиёбон ҳам бу фикримизнинг исботи бўлади. Энди бу хиёбонга қадам қўйган ҳар бир инсон уларнинг муқаддас хотирасини ёдга олади. Ёшлар қаҳрамон акаларининг ҳаёт йўлидан ибрат олиб, вояга етадилар. Энди бу хиёбонда яхшилик ва эзгулик дарахти гуллайди. Энди бу сўлим гўша муқаддас қадамжолардан бирига айланади...

Акмал ҲАМРОЕВ,
Суратлар муаллифи
Абдул Ғани ЖУМА

Qonun va biz

СОХТА БАНКРОТЛИК

УНГА НИСБАТАН ҚОНУНДА ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАН?

Кейинги пайтларда "фалончи банкрот бўлибди" қабилидаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалиниб қолмоқда. Шу боис банкротлик нима, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида ёзилишича, банкротлик (иқтисодий ночорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслик ҳолатидир.

Қонунчиликда фуқаро ва юридик шахсларга нисбатан банкротлик аломаларини аниқлашда тафовутлар мавжуд. Хусусан, жисмоний шахс (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахс)нинг *банкротлик аломатлари* деганда тегишли мажбуриятларни бажаришга қодир эмаслиги; мажбуриятларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан 3 ой давомида бажарилмаганлиги; мажбуриятларнинг умумий миқдори унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетганлиги назарда тутилади. Юридик шахснинг *банкротлик аломатлари* эса тегишли мажбуриятларни бажаришга қодир эмаслиги ва мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан 6 ой давомида бажарилмаганлигидан иборат.

Қонунчиликда қарздорни банкрот деб топишнинг икки усули мавжуд. Уларнинг биринчиси, қарздор кредиторларнинг розилиги билан ўзини банкрот деб топиши ва унинг тугатилишини маълум қилиши бўлса, иккинчиси қарздорнинг хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон этилишидир.

Шунингдек, амалиётда сохта банкротлик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Сохта банкротлик — бу қарздорнинг кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлгани ҳолда ўзини банкрот деб эълон қилишдир.

Сохта банкротлик ҳолати мамлакат иқтисодига катта зиён келтиради. Шу сабабли унга қонунчиликда жавобгарлик белгиланган.

Қарздор хўжалик судига ёлғон ариза билан мурожаат этган бўлса ва кредиторларнинг қарздорини ихтиёрий равишда тугатилишига қарши талаблари мавжуд бўлганда сохта банкротлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келади. Жиноий жавобгарликнинг вужудга келишига эса қарздор ўзини ихтиёрий суратда банкрот деб эълон қилиш ҳолатлари асос бўлади.

Шунингдек, фуқаровий жавобгарлик хўжалик судига ариза билан мурожаат этиш натижасида кредиторларга етказилган ҳар қандай зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлса, қарздор ўзининг банкротлиги ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши оқибатида кўп миқдордаги зарар етказганлиги жиноий жавобгарлик таъсир чораларининг қўлланилишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга зарар тушунчасининг мазмун-моҳияти фуқаролик ва жиноят қонунлари бўйича фарқланади. Моддий-ҳуқуқий жавобгарликда етказилган зиён (кредиторларнинг суд жараёни билан боғлиқ харажатлари) ва бой берилган фойда (кредиторларнинг ҳуқуқи бузилмаганда олиши мумкин бўлган фойда) ***зарар*** билан қамраб олинса, жиноий жавобгарлик учун эса кўп миқдордаги зарар (энг кам ойлик иш ҳақининг 300 дан 1000 барвари миқдоригача) етказилиши талаб қилинади.

Жиноят Кодексининг 180-моддасида белгиланган сохта банкротлик учун жиноий жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериш натижасида кредиторларга кўп миқдордаги зарар етказилганлик ҳолатларида вужудга келади.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига асосан, қарздор ўзини ихтиёрий равишда банкрот деб эълон қилиш учун кредиторлар ҳамда қарздорнинг мол-мулки эгаси розилигини, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳолларда эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг рухсатини олиш лозим.

(Давоми учинчи бетда)

«ИНСОН ВА ҚОНУН»га...

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2001 йил 30 октябр сонида чоп этилган "Аввал уйингни сув боссин, кейин..." сарлавҳали мақола бўйича Узун туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, фуқаро Бахтиёр Ашуровга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб бериш хусусида Узун туман ҳокими номига тақдимнома киритилгани тахририятга маълум қилинган эди.

Узун туман прокуратурасининг ушбу тақдимномаси 2001 йил 10 декабрда туман ҳокимиятида кўриб чиқилиб, Б. Ашуровга бошқа хавфсиз жойдан уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб бериш масаласини ҳал қилиш К. Алиев номидаги ширкат хўжалиги бошқарув раиси И. Сафаровга юклатилган. Гарчанд, Б. Ашуровга ер майдони ажратиб бериш масаласи ҳеч бир тўсиқсиз ҳал этилиши лозим бўлса-да, лекин ширкат хўжалигида яшовчи 300 нафардан ортиқ ширкат аъзолари уй-жой қуриш учун ер майдонига муҳтожлиги инобатга олиниб, унга ер майдони ажратиб бериш масаласи ширкат аъзоларининг умумий йиғилиш мажлисига қўйилган. Чунки Б. Ашуров ширкат хўжалиги аъзолигига кирмаган ва бир кун ҳам хўжаликда ишламаган.

2001 йилнинг ноябр ойидан буён ширкат хўжалигида ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтмаганлиги сабабли фуқаро Б. Ашуровга уй-жой қуриш учун бошқа жойдан ер майдони ажратиб берилмагани туфайли шикоятчи тахририятга шикоят ёзган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан жорий йилнинг 3 май куни фуқаро Б. Ашуровга ширкат хўжалигидаги Ўланкўл қишлоғи ҳудудидан 0,8 гектар ер майдони ўлчаб берилди.

Б. ИБАТОВ,
Узун туман прокурори

МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИЛАР

Мен ўтган йили яшаётган уйим табиий офат хавфи мавжуд ҳудудда жойлашгани боис бошқа жойга кўчиб ўтишим зарурлигини, аммо жамоа хўжалиги раиси ноқонуний равишда ер майдони ажратиб бермаётгани хусусида тахририятга шикоят ёзган эдим. У газетанинг 2001 йил 3 октябрдаги сонида "Аввал уйингни сув боссин, кейин..." сарлавҳа билан чоп этилди. Шундан сўнг Узун туман прокуратураси мазкур масала юзасидан текшириш ўтказиб, туман ҳокимиятига тақдимнома киритган эди. Бироқ бу иш чўзилиб кетганлиги боис яна тахририятга мурожаат этган эдим. Бу аризам бўйича ҳам газетада «лукма» чоп этилди. Ниҳоят, 3 май куни туман прокуратурасининг аралашуви билан менга Ўланкул қишлоғидан 0,8 гектар ер майдони ажратиб берилди. Арзимни инобатга олиб, газета саҳифасига икки бор чоп этгани ва амалий кўмак бергани учун тахририятга миннатдорчилик билдираман.

Бахтиёр АШУРОВ,
Узун туманидаги
К. Алиев номидаги жамоа хўжалиги

To`g`ri so`zning to`qmog`i

ХИЖОЛАТПАЗЛИК

У ҚОНУНГА НОПИСАНДЛИК ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛДИ

Газетанинг шу йил 26 март сонида **"Арзимуродованинг арзи"** сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда баён этилган масалага ойдинлик киритиш зарурати туғилгани боис қуйида яна мавзуга қайтишни лозим топдик.

Оқдарёлик Сожида Арзимуродова фермер хўжалиги тузиш учун "Кумушкент" ширкат хўжалиги бошқарувига ариза беради. Унинг аризаси ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилади. Аммо туман ҳокимлиги **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги Қонуннинг 12-моддасида талабларини қўпол равишда бузиб, ширкат хўжалиги вакиллар йиғилиши қарорини рад қилади. Бу билан тадбиркор С. Арзимуродова йўлига ғов қўйилади. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А. Тошпўлатов С. Арзимуродовага 2001 йил 10 февралда ширкат хўжалиги умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, "Дилшод" фермер хўжалигига 10 гектар сувли ер майдони ажратилди деган сохта қарор нусхасини беради. Бу сафар фермер бўлиш орзусида юрган С. Арзимуродова яна туман ҳокимияти томонидан ҳужжатларнинг ноқонунийлиги туфайли тўсиққа учрайди. Ҳужжатлар ўрганилганда қарор кўчирмасининг сохталиги аниқланади ва шу сабабли аризачининг мурожаатига рад жавоб берилади.

Шундан сўнг Сожида Арзимуродова Самарқанд вилоят адлия бошқармасига арз қилади. Сожида Арзимуродованинг арзи юзасидан текшириш ўтказиб, тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатган, унинг қонуний манфаатини кўзлаб, жавобгар А. Тошпўлатовдан етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза ва туман ҳокими Р. Рашидов номига амалдаги қонун талабларига қатъий риоя этиш ва мавжуд камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритган. Аммо ҳоким тақдимномага беписанд муносабатда бўлди. Бу эса уни ҳижолатпазликка солди.

Гап шундаки, туман ҳокими Р. Рашидов имзоси билан шу йил 23-мартда адлия бошқармасига жўнатилган 01/80 рақамли хатда маълум қилинишича, 26- феврал куни туман ҳокимининг кенгайтирилган йиғилишида ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлиги, фуқароларнинг ариза-шикоятларни кўриб чиқиш ҳақидаги қонунларни бузилишига йўл қўйгани учун туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўйича бош мутахассиси А. Бўтаевга ҳайфсан берилган. Шунингдек, А. Бўтаевга фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда бундан кейин қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйилса, қонунда белгиланган тартибда қаттиқ жазо қўлланилиши эслатилган. С. Арзимуродованинг аризасини мазмунан ҳал қилиш хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Ширинова топширилган.

Туман ҳокими имзоси билан С. Арзимуродовага йўлланган 01/80 "а" рақамли иккинчи хатида шундай жумлалар бор: **"Ҳозирги пайтда "Кумушкент"ширкат хўжалиги ҳудудида "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилган ер участкалари мавжуд бўлмагани сабабли Сизга фермер хўжалиги очиш имконияти йўқлиги маълум қиламиз".**

Бу иккала хатни ўқиб чиққан кишида дастлаб шундай саволлар пайдо бўлади. Қизиқ, ҳокимиятдагилар "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасида кўзда тутилган талабларни назарда тутишаётган бўлишса, С. Арзимуродова фермер хўжалиги тузмоқчи дала ўзи йиллар давомида ишлаб келган жой-ку? Бу ўринда туман ҳокимлиги қандай ер майдонини назарда тутаяпти? Фермер хўжалиги очиш имконияти йўқ, деган жавоб қанчалик асосли? Қолаверса, А. Бўтаевга интизомий жазо сифатида нега ҳайфсан берилди?

— Оқдарё туман ҳокимлиги мутасаддилари,—дейди адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи С. Тоғаев, — **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**, **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қўпол равишда бузишган. Ўн беш кунлик муддат ичида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ойлар давомида бажарилмади. Қонунга нописандлик, сансоларлик, ўзбилармонлик нафақат тадбиркорни, балки нуфузли идоралар ходимларининг ҳам қимматли вақтларини ўғирлади, ортиқча ташвиш ва қоғозбозликка сабаб бўлди. Фақат С. Арзимуродова эмас, балки Оқдарёда янгича усулда ишлаб эл-юртга наф келтираман, деган ўнлаб тадбиркорларга тўсқинлик қилинаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун айтадиган бўлсак, фуқаролар Фахриддин Пиримов, Олим Собиров, Баҳодир Бекназаров, Шокир Эрматовлар худди С. Арзимуродовадек сарсон қилинган. Шунинг учун биз Оқдарё туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари О. Бегимқулов, қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича мутахассиси А. Бўтаев, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т. Ширинов ларни баён этилган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида таъминламагани учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича туман судига таклиф киритдик. Суд қарори билан улар маъмурий тартибда жаримага тортилди.

Яқинда Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди С. Арзимуродованинг манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаси қаноатлантирилди. Шу тариқа Оқдарё тумани ҳокимиятидагилар қонунни менсимагани учун хижолат бўлиб қолдилар. Хулоса шуки, тадбиркорга турли йўллар билан тўсқинлик қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Зеро, қонун ҳамма учун баравардир. Унга нисбатан нописанд муносабатда бўлганларни уятга қолдиради.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

ҲАҚ БЕРИЛМАСА, УНДИРИЛАДИ...

Дунёнинг ишлари қизиқ. Астойдил тер тўкиб, меҳнат қилсанг-у, аммо охир-оқибат иш ҳақингни ололмасанг, бундан ёмони бўлмас экан. Андижон туманидаги Иброҳимжон Патиддинов номидаги, Абдусаттор Паттаев номидаги ширкат хўжалиги аъзолари ҳам шундай воқеани бошдан кечиришди.

Ҳар икки хўжалик деҳқонлари ўтган йили эрта баҳордан то июл ойигача ҳисобланган иш ҳақларини ололмай сарсон бўлиб юришди. Уларни ишлатишни билган раҳбар эса, буларни ҳам оиласи, бала-чақаси бор, дея лоақал бирон марта ўйлаб кўришмади.

Туман прокуратураси томонидан ушбу хўжаликларда Меҳнат Кодексининг ижроси бўйича ўтказилган текширишларда бундай ноҳақлик ошкор бўлиб қолди. Буни қарангки, Иброҳимжон Патиддинов номидаги ширкат хўжалигида 1705 нафар аъзонинг 7 миллион 781 минг сўм, Абдусаттор Паттаев номидаги ширкат хўжалигининг 374 нафар аъзосининг оз эмас, кўп эмас 2 миллион 160 минг 800 сўм иш ҳақи тўланмай келинаётган экан.

Ваҳолангки, Меҳнат Кодексининг 154-моддасига кўра иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун иш ҳақини белгиланган муддатда тўлаши шарт. Шунингдек, мазкур Кодекснинг 161-моддасида иш ҳақи ҳар ярим ойда камида бир марта тўлаб борилиши шарт, деб кўрсатилган. Юқорида номи қайд этилган ҳар икки хўжаликда ҳам қонуннинг бу талаблари узоқ вақт давомида қўпол равишда бузиб келинган.

Туман прокуратураси ширкат хўжаликлари аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси киритди.

Ариза Андижон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўриб чиқилди. Суд қарорига кўра ҳар икки хўжалик аъзоларининг иш ҳақи тўлиғича ундириб берилди. Бундан буён бизнинг судларимиз шўро давридагидек фақат қораловчи орган эмас, балки меҳнаткашларнинг, барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, оқни-оқ, қорани-қора дейдиган, ҳеч кимнинг чилдирмасига ўйнамайдиган чинакам одил суд бўлиб шаклланмоқда. Зотан, тобора чуқурлашиб бораётган суд ислоҳатларининг мазмун-моҳияти ҳам ана шундадир. Қонун энди ҳам қилич, ҳам қалқондир.

Аъзамжон ЮСУПОВ,
Андижон вилояти



Тоғ йўли

Huquqiy savodxonlik sari

ТАРАФЛАРНИНГ ИХТИЁРИСИЗ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНМИ?

Инсон ҳаётида тақдир тақозоси билан ёхуд қутилмаган тасодифлар натижасида ёки бошқа муайян сабабларга кўра яхши ва ёмон вазиятлар юзага келиши мумкин. Айтайлик, муайян ташкилот, корхона ва муассасаларда бундай вазиятларда иш берувчи ёки ходимга боғлиқ бўлмаган ҳоллар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бу масала Меҳнат Кодексининг 106-моддасида аниқ ечимини топган.

Жумладан:

а) агар ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда (асос: ҳарбий хизматга чақирилиб, хизматни ўта бошлаганлик тўғрисида ёхуд бошқа турдаги ушбу ҳолатни тасдиқловчи далиллар);

б) агар муайян ишни илгари бажариб келган ходим қайта тикланган тақдирда (тегишли суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади);

в) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суд қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда (асос: жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, шунингдек, фуқаронинг даволаш-профилактика муассасасига юборилишига сабаб бўлган далиллар);

г) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилгани туфайли, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса (асос: ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилгани, ушбу ҳолатни бартараф этиш имконияти йўқлиги ва бу ҳолат муайян бажариб турилган ишни давом эттиришга тўсқинлик қилаётганини тасдиқловчи далиллар—юқори турувчи ёки назорат қилувчи ташкилотлар билдиргиси, тегишли ходим ишлаб турган корхона, муассаса, ташкилотнинг хулосаси ёхуд бошқа юқоридаги ҳолатни тасдиқловчи далиллар);

д) ходимнинг вафоти муносабати билан (ушбу ходимнинг вафот қилгани ҳақида ўлим гувоҳномаси, агарда ўлим гувоҳномасини олишга муайян муддат зарур бўлса тегишли тиббиёт муассасасининг фуқаронинг вафот этганини тасдиқловчи маълумотнома билан асосланади);

е) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда (бу ҳолатлар тегишли меъёрий ҳужжат орқали белгиланади).

Хуллас, мамлакатимиз Меҳнат Қонунчилигини мукаммал қўллаш иш берувчи учун ҳам, ходимлар учун ҳам фақат манфаат келтириб, ноўрин кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Zamon savollari

МУЛК ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПМАСА...

билан кечиктирилди. Шу билан бирга, солиқ ва бошқа соҳаларда ҳам буткул қарздан қутулишди.

1999 йили мазкур жамиятга янги раис Икром Усмонов тайинланди. Янги раҳбар даставвал ҳафсала билан ишга киришди. Ҳатто банкдан 100 млн. сўм кредит ҳам олинди. Анча-мунча ўзгаришлар ҳам қилингандек бўлди. Афсуски, 2000 йилга келиб паррандалар бош сони кескин камайиб кетди. Даромад 25 млн 720 минг сўмни ташкил этди.

Хўш, ишнинг кутилмаганда, бундай орқага кетиш сабаби нима билан изоҳланади?

Бу саволга жавоб излаб айрим ишчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг аксарияти корхонанинг ночор аҳволга тушиб қолганидан афсусланиб гапирди.

— Бир пайтлар мўмайгина маош олардик. Акциямизга тузуккина дивидент ҳам тўлаб туришганди. — дейишди суҳбатдошларимиздан бири.

— Товуқлар тухум бермай қўйгач, акциядан кимга фойда-ю, кимга зарар,— дейди бошқа бир ишчи.— Нима бўлгандаям корхона «ўтириб» қолганди.

Ишчи таъкидлаганидек, "ўтириб қолиш" "Тинчлик" фирмаси раҳбари Истам Холиқов томонидан катта миқдорда акциялар сотиб олиниб, хусусийлаштирилгандан сўнг бошланган. Бунга мулк шаклининг ўзгарганлиги ҳам, касаллик ҳам сабаб бўла олмайди. Ҳамма иллат масъул вазифага сайланган янги раҳбарнинг узоқни кўра билмаслиги оқибатида рўй берди. Жаноб раис И. Усмонов мулк эгаси ҳақ-ҳуқуқини ва унинг манфаатларини ҳимоя қила билиш раҳбар учун ниҳоятда зарур эканлигини унутиб қўйди. Охир-оқибат раис ишдан бўшади. Бир вақтлар бутун республикамизда донг таратган корхонанинг инқирозини бош иқтисодчи Дониёр Ражабов изоҳлаб, бунга омухта емнинг қиммат нархда сотиб олинаётгани ва унинг таркиби сифатсиз эканини кўрсатди.

— Масалан,— дейди бош иқтисодчи, — шу йилнинг январ ойида омухта емнинг бир килоси учун 69-70 сўмдан сарф-ҳаражат қилишимизга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич феврал ойида 150 сўмдан тўғри келди.

— Наҳотки, бундай озуқаларни ўз ерингизда етиштиришнинг иложи йўқ, — деб сўрадик ундан.

— Бор,—дейди бош иқтисодчи қуйиниб,— бунинг учун бизга қўшимча ер керак. Лекин Қизилтепа туман ҳокимлигига бир неча маротаба қилинган ёзма ва оғзаки мурожаат жавобсиз қолиб кетди.

Корхонада эса иш кун сайин орқага кетаяпти. Ўтган йилда 14 млн. дона ўрнига атиги 7 млн. донага яқин тухум, 120 тонна ўрнига атиги 33 тонна, парҳезли гўшт тайёрлади. Инкубацияга тухум қўйиш 295 минг дона ўрнига 101 минг донага зўрға етказилди. Парранданинг бош сони 103,7 мингтадан 66,7 мингтага камайди. Шундан 66,6 мингта ўрнида 46,4 мингта она товуқ қолгани маълум бўлди. Хўжалик 2001 йилда белгиланган 54 млн сўм ўрнига бор-йўғи 8,5 млн сўм соф фойда билан якунлаганини эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Очиғини айтганда, ишнинг бундай орқага кетиши корхона фаолиятини бутунлай издан чиқарди. Тўйимли озуқа сотиб олиш учун эса пул йўқ. "Навоийдонмаҳсулот", "Бухородонмаҳсулот" ҳамда "Оқтош" корхоналаридан келтирилаётган омухта емнинг нархи эса баланд. Шу кунларда ориқлаган товуқларни сўйиб маош ўрнида тарқатилаяпти. Товуқлар тухумга кириб-кирмасдан озуқа етишмаслиги боис озиб қолмоқда.

Корхонада 2002 йилнинг биринчи чорак режалари ҳам йўлда қолиб кетди. Яъни 2 млн. 34 минг дона тухум, 10 тонна гўшт ишлаб чиқарилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу бир йилда шартномада қайд қилинган 13 млн. дона тухум, 105 тонна гўшт кўрсаткичи билан қиёслаганда, натижа анча паст эканини кўрсатиб турибди. Бу аҳволда корхона яқин йилларда бутунлай тугатилиши ҳеч гап эмас. Мутасадди раҳбарлар ўз вақтида ҳар томонлама ўйлаб иш тутганларида, балки корхона бу қадар ночор аҳволга тушмаган бўларди. Мулк ўзининг ҳақиқий ва жонкуяр эгасини топмаган тақдирда, бундан ўша раҳбарнинг ўзигина эмас, балки корхона ҳам, ундаги ишчилар ҳам зарар кўрар экан. Сизга бунинг ҳаётий намунасини келтириб ўтдик.

Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" махсус мухбири

Bugunning gapi

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: МАСЪУЛИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Сизнинг мақола ёзишингизга ким ёки нима тўсқинлик қилаяпти? Агар кимдир мақолангизни қайтарган бўлса, марҳамат, олиб келинг, биз чоп этамиз. Афсуски, бу саволларимизнинг бирортасига ҳам жавоб олмадик.

Дангалини айтиш керак, бугун сохта қаҳрамонликларнинг даври ўтди. Ўзини жабрдийда кўрсатиш ёки ҳақиқат учун курашувчи қилиб кўрсатувчиларга ҳам халқ ишонмайди. Сиз яхши ёзасизми, ўзингизнинг ҳақлигингизга ишонасизми — марҳамат, ёзинг.

Ёзганларингизни бир нашр чоп этмаса, бошқаси чиқаради. Шундай экан "бизда матбуот эркинлиги йўқ", деб нолишга на ҳожат.

Менинг назаримда, бугун матбуотимизда эълон қилинаётган мақолалар, телевидиниеда тайёрланаётган кўрсатувлар ёки радиоэшиттиришларда асосий мақсад кимнингдир шахсий ҳаётини таърифлаш эмас, балки мамлакат ва миллатнинг тараққиётига, унинг ривожига ҳисса қўшишига қаратилиши керак. Шундагина биз давр олдимизга қўяётган, мамлакатимиз раҳбари биздан талаб қилаётган улкан ишларни амалга оширишимиз мумкин бўлади, деб ўйлайман.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бизда фидойилик билан ишловчи журналистлар билан бирга ишлашдан кўра кўпроқ баҳона қидириш билан овора бўлиб қолаётган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Ота боболаримиз излаган имкон топади, истамаган баҳона, деган нақлни бежиз айтишмаган. Бизнинг бугунги ўтиш давримизда нафақат журналистика, балки барча соҳада ҳам баҳона қидирувчилар эмас, фидойилар кўпроқ керак эканлигини унутмайлик.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён журналистларни ихтисослаштириш, яъни дейлик, юрист-журналист, иқтисодчи-журналист — хуллас, ҳар бир соҳанинг ютуқ ва камчиликларини мутахассис даражасида тушунадиган журналистлар тайёрлаш масаласи кун тартибидан турибди. Менимча, бу масалада журналист-кадрлар тайёрловчи ўқув-даргоҳларини айблаш ҳам нотўғри бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундан ўн беш-йигирма йил шу соҳада таълим олган журналистлар билан бугун таълим олаётган журналист-талабаларга яратилган шарт-шароит ўртасида қанча фарқ бор? Ўзим ҳам Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини тугатганман. Ўша даврларда факультетимизда энг ибтидоий радио қурилмаси билан фотоаппарат бор эди, холос...

Бугун-чи? Бугун у ерда ўқиётган талабаларга яратилган шарт-шароитларни кўриб ҳавасингиз келади. Ёки жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таълим олаётган бўлажак ҳамкасбларимизга яратиб берилган шарт-шароит кимникидан кам. Шундай экан, ихтисослашган-журналистлар тайёрлаш масаласи нега кун тартибидан тушмаяпти, деган саволни қўйишга ҳақлимиз. Биз матбуотда фикрлар хилма-хиллигига эришишимиз, матбуотимизни янада эркинлаштиришимиз учун ҳам ихтисослашган-журналистларга эҳтиёж сезаяпмиз.

Қачонки, журналист малакали бўлса, ўзи ёзаётган (мақтов бўладими ёки танқид — қатъи назар) мавзуни чуқур тушунса, уни шу соҳа мутахассиси каби таҳлил қила олсагина журналистикамиз яна бир поғона кўтарилади. Айтмоқчи бўлганим айбни фақат бировдан ахтаравермаслик керак, шекилли. Аввал бундай дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик: қани, қаерда ва нима учун оқсаяпмиз? Матбуотни, журналистларни ҳимоя қилувчи бир эмас, бир неча қонунларимиз мавжуд бўлса, мамлакатимиз раҳбари журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган бўлса, яна нима керак бизга ўзи?!.

Албатта, баён этилган фикрлар менинг шахсий мулоҳазаларим. Бунга ким қўшилади, ким қўшилмайди — ўзига ҳавола. Агар бу ҳақда ҳамкасбларимизнинг фикрлари бўлса, уларни ҳам чоп этишга тайёрмиз.

Ислом ҲАМРО,
журналист

ТАДБИРКОР ҲАЛОЛ БЎЛСИН

Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай имконият яратилгани боис аҳоли ўртасида бу соҳага қизиқувчилар кундан-кунга кўпаймоқда.

Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам "тадбиркор" деган номга муносиб фаолият юритяптими? Афсуски, иқтисодий ислоҳотлар қўламига ўзининг залворли ҳиссасини қўшиб келаётган минглаб ҳалол тадбиркорлар билан бирга яратилаётган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фақат ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланаётган, шартнома шартлари ва давлат буюртмаларини бажармаётганлар ҳам учраб турибди.

Жумладан, Нишон тумани ҳокимлиги томонидан фермер хўжаликлари экин майдонлари инвентаризациядан ўтказилганда, айрим хўжаликлар пахта топшириш бўйича мазкур туман пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шртномаларда кўрсатилганидан кам майдонга пахта экканлиги маълум бўлди. Бу эса ўз ўзидан шартномавий мажбуриятнинг бажарилмай қолишига олиб келди. Тумандаги "Гулистон" жамоа — ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган "Олтин дала" фермер хўжалиги раҳбари буни яшириш мақсадида вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, пахта тозалаш жамияти билан тузилган шартномани ўзгартириш, хўжалик топшириши лозим бўлган пахта хомашёси миқдорини камайтиришни сўраган. Мазкур иш томонлар вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, фермер хўжалиги даъвоси асоссиз деб топилган ва топширадиган пахта миқдори ўзгаришсиз қолдирилган.

— Вилоятда шартномавий муносабатлар қандай бажарилаётганини таҳлил этиш чоғида бундай камчиликларга кўп дуч келдик, — деди Олий хўжалик суди судьяси Комил Синдаров ЎзА мухбирига. — Вилоят хўжалик судида ҳудди шу мазмундаги 70 дан ортиқ даъво аризаси рад этилиб, айрим фермер хўжаликларининг давлатга маҳсулот сотиш шартномавий мажбуриятларини асоссиз равишда, ўзларининг манфаати йўлида камайтиришга уринишларига чек қўйилди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Adliya tizimi

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Адлия вазирлиги томонидан шартнома интизоми бўйича ўтган йили ва 2002 йилнинг 1-чораги давомида тузилган 908 шартнома, шу жумладан, 3161 контрактация шартномалари ўрганиб чиқилди. Жорий йилнинг 1-чорагида тузилган (умумий қиймати) 113 млн. 966 минг сўмлик 18 та шартнома нотўғри тузилганлиги сабабли вазирлик мутахассислари иштирокида қайта кўриб чиқилди. Шартнома муносабатлари ва интизоми бузилиш ҳолатларидан 77 млн 875 минг 967 сўмлик 70 та шартнома ўз муддатларида бажарилмагани аниқланиб, хўжалик судига даъво аризалар киритилди ва бу даъво аризалар одилона ҳал этилди.

Shartlashdingmi, bajar!

ШАРТНОМА — ЛАФЗ ДЕМАКДИР

Ўтган йил кузида "Булунғур-1" очиқ акциядорлик жамияти туман бир қанча фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаб, улар етиштирган узум маҳсулотларини қабул қилиб олганди. Лекин маҳсулот ҳақини тўлашга келганда, жамиятдагиларга негадир бироз тайсаллашди. Фермерлар жамият шартнома шартларини бажармаётганда бир жойнинг одамларимиз, юз амри ширин, дея андиша қилишди, индашмади.

Жамият мутасаддилари фермерлар андишасини қўрқоқликка йўйишди шекилли, ҳадеганда қарзни узишни ҳаёлларига келтиришмади. Шундан сўнг тадбиркор деҳқонлар маҳсулот ҳақларини ундириб беришни сўраб адлия бошқармасига мурожаат қилишди.

"Маматқул бобо" фермер хўжалиги 2001 йилда "Булунғур-1" очиқ акциядорлик жамиятига шартномага асосан 889150 сўмлик 25690 килограмм узум етказиб берган. Бироқ жамият жорий йилнинг 11 мартига қадар фермер хўжалигининг пулини тўламаган, қарз бўлиб қолган.

"Донобой бобо" фермер хўжалиги ҳам шартнома шартини қойил қилиб бажарган. 251700 сўмлик — 8390 килограмм узум етказиб берган. "Булунғур-1" эса фермерга 41600 сўм тўлаб, қолган 210600 сўмни насия қилган. Жамият "Рустам Дони" фермер хўжалигига нисбатан алдагани бола яхши қабилида иш тутган кўринишади. Унинг 9750 килограмм узумини қабул қилиб олиб, 45 минг сўм пул берган. 247500 сўмни тўлашни пайсалга солган.

Вилоят адлия бошқармаси бу каби ҳолатларни чуқур ўрганиб чиқди. Фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, очиқ акциядорлик жамиятидан деҳқонлар етказиб берган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун тўланмай келинаётган асосий қарз ва устамани ундириб беришни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритди.

Хўжалик суди даъво аризаларини қаноатлантирди. Ҳал қилув қарорига кўра жавобгардан "Маматқул бобо" фермер хўжалигига 899150 сўм асосий қарз ва 248920 сўм устама, "Донобой бобо" фермер хўжалигига 210600 сўм асосий қарз ва 58940 сўм устама, "Рустам Дони" фермер хўжалигига эса 247500 сўм асосий қарз ва 69300 сўм устама ҳақ ундириладиган бўлди.

Шартнома — лафз ҳужжати. Лафзда туриш халқимизга хос одат. Шу боис шартлашдингми, бажар, дейишади. Андишани қўрқоқликка йўйиш ярамайди. Чунки қонун бунга йўл қўймайди.

Ориф ЭЛМУРОДОВ
Самарқанд вилояти

Insoniylik tamoyillari

ШАХС ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ — ДАХЛСИЗ!

> *Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.*
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 27-модда**

Мамлакатимиз эркин фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу жамиятда шахс эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати деган тушунчалар ўзига хос ўрин тутиши табиий. Бинобарин, ривожланган давлатлар иқтисодий жиҳатдан юксак тараққиёт даражасига эришгани билан эмас, балки қонунчиликда фуқароларнинг туриш-турмуши, эркинлиги ва қадр-қиммати қай даражада ҳимоя қилингани билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шундай экан, ушбу тушунчалар давлатимиз қонунчилигида қанчалик қамраб олингани ва акс эттирилгани ҳар бир кишини қизиқтирса керак.

Жиноят Кодексига назар ташлайдиган бўлсак, бир шахсни зўравонлик йўли билан ғайриқонуний тарзда ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда унинг бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчишига қаршилик кўрсатиш тушунилади. Ушбу жиноятни амалга оширганда турли усул қўлланиши мумкин. Масалан, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан таъсир ёки тазйиқ қилиш орқали амалга ошириш энг кўп учрайдиган усуллар сирасига киради. Бунда жабрланувчини боғлаб қўйиш, уйқу дори бериш, шахснинг ихтиёрига хилоф равишда муайян жойда сақлаб туриш ёки уни алдов йўли билан нотаниш хонадонга олиб кириб сақлаш ҳолатлари учраб туради. Жиноятни баҳолашда шуни эътиборга олиш керакки, у қандай содир этиш усулидан қатъи назар, одамни ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш унга зўрлик ишлатишнинг муайян шаклидир. Шунингдек, шахсни озодликдан маҳрум этиш вақтидан бошлаб жиноят тўлиқ содир этилган деб ҳисобланади.

Жисмоний қийноқ деганда, одамни сувсиз, озиқ-овқатсиз узоқ муддат ноқулай шароитда сақлаб туриш сингари амаллар тушунилади. Бундан ташқари, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли шароитлар деганда одамни совуқ ёки дим ва иссиқ хонада узоқ муддат давомида сув бермасдан, озиқ-овқатсиз, яъни ҳақиқий зарар етказиш хавфи бўлган ҳолатда сақлаб туриш тушунилади. Шулардан хулоса қилиш мумкинки, шахс эркидан маҳрум қилиш жинояти ғайриқонуний равишда содир этилганда жабр етказган киши энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравар миқдорида жарима тўлайди ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ва уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жумладан, фуқаронинг шаънини камситиш ёки поймол этишда туҳмат қилиш алоҳида ўрин тутади. Туҳмат қилиш мақсадида уйдирмалар тарқатиш деганда, уйдирмани ҳеч бўлмаганда бошқа бир кишига оғзаки, ёзма равишда ёки телефон орқали етказишни тушуниш лозим. Ваҳоланки, уйдирма деганда туҳматчи томонидан амалда мавжуд бўлмаган ёки сохталаштирилган ҳодисалар ўрин тутади. Аслида рост бўлгани ҳолда шахсни обрўсизлантирган маълумотларни тарқатиш туҳмат шаклини вужудга келтирмайди. Ушбу жиноят амалий тус олиши учун туҳматчи тарқатган уйдирмалар мутлақо ёлғон бўлиб, бирон кишининг обрўсига путур етказадиган кўринишда бўлмоғи лозим. Ушбу жиноятни ўрганиш асносида суд ҳар бир маълумотларни синчиклаб текшириб, унинг ёлғон ёки ростлигига аниқлик киритиши керак. Шунингдек, муайян шахснинг шаъни ва обрўсини тўкишда қўл келадиган ёлғон уйдирмаларни ақалли бир кишига етказилган тақдирда ҳам ушбу жиноятни содир этилган деб ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур жиноятни ўрганиш ва баҳолашда айбдор шахс илгаридан ўзи тарқатаётган уйдирмаларнинг ёлғонлигини билиши ҳам ҳисобга олинади.

Мисол учун нашр қилиш ёки кўп нусхали матн асосида ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш деганда, китоблар, газеталар, варақалар, шунингдек, радио, телевидение, видео тасвирлари ва ҳоказолар орқали қилинган туҳматни тушуниш керак. Бунинг энг оғир кўриниши деганда, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ёки руҳий касалликка чалиниши назарда тутилади. Жиноят кодексда ушбу жиноятни амалга оширадиган шахс энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима тўлайди. Бундан оғирроқ ҳолатлар учун эса икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари учун жўнатилиб, баъзан эса белгиланган муддат бўйича қамоқ жазосини ўташи ҳам мумкин.

Қонунчиликда ҳақорат қилиш ҳам шахс шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш бўлиб, жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳар хил ҳатти-ҳаракатлар, масалан, уят сўзлар билан сўкиш, турли ҳақоратли сўз ва ибораларни ёзиш, бетга тупуриш, бадани билан ахлоқсиз ҳаракатлар ёки имо-ишоралар қилишда яққол намоён бўлади. Бунда жиноят амалга олган деб қайд қилиниши учун шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш уятсиз шаклда ифодаланган бўлиши шарт. Уятсиз шаклда деганда, шахснинг кишилар ўртасида одат тусига кирган умумий қоидаларга зид бўлган салбий ҳатти-ҳаракатлар тушунилади. Бундан кўринадики, ана шу сингари уятсиз ҳатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда жиноят тўлиқ содир этилган деб ҳукм қилинади. Шу билан бирга, ҳақорат қилиш шахснинг соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда содир этилса айбдор шахснинг ҳаракатлари жиноят мажмуи билан тасниф қилинади. Энди мазкур жиноят оммавий ахборот воситалари, кўпайтирилган матн усуллари, шунингдек, жабрланувчининг ўз хизмат ёхуд фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ бўлса, айбдор шахс қонунга кўра жавобгарликка тортилади. Ҳақорат қилиш хавфли рецидивист, яъни илгари ҳақорати учун судланган шахс томонидан содир этилганда ҳам жабрланувчининг даъво қилиши ҳаққоний кучга эга. Ҳақорат қилиш туфайли айбланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима тўлайди ва бу жиноят кучайган кўринишда амалга ошса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодлик маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хуллас, бизнинг қонунчиликда ҳар бир шахснинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати юксак қадрланиб, уни поймол қилишга ҳеч кимга йўл берилмаган. Чунки ҳуқуқий демократик жамиятда бундай иллатларга асло ўрин йўқ.

Марат ЭШБЕКОВ



Тераклар шивири

Qonun va biz

СОХТА БАНКРОТЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Шундай экан, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги кредиторлар ва айрим ҳолларда давлат манфаатларини бузишда яққол намоён бўлади. Демак, хўжалик юритувчи субъектларининг нормал фаолият кўрсатиши ва давлатнинг иқтисодий манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объектини ташкил этади.

Мазкур жиноятнинг объектив томони зарурий белгилари қуйидагилардан иборат:

Биринчи белги қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлгани ҳолда ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон беришидир. Ҳуқуқшунос А. Жалинский сохта банкротлик учун жиноий жавобгарликни ҳам суд тартибидаги, ҳам ихтиёрий равишдаги эълон билан боғлайди. Бизнинг назаримизда, хўжалик суди иш юритувчи кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг бевосита иштироки ва тортишувчанлигига асосланиши ҳамда узоқ муддатли жараённи қамраб олиши боис бу ўринда жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Иккинчи белги шуки, сохта банкротлик натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилади.

Учинчидан, ижтимоий хавфли қилмиш — берилган эълон билан юзага келган жиноий оқибат — сохта банкротлик ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қарздор ўзининг банкротлиги ҳақидаги эълонни беришда кредиторларнинг иккиланишига сабаб бўладиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлардан фойдаланади. Бундай ҳолларда (мол-мулкни яшириш, бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш) қарздор ўзининг банкротлиги ҳақидаги эълонни бермаганда ҳам ЖК нинг 168-моддаси билан жавобгарлик вужудга келади. Масаланинг муҳим томони шундаки, қарздор ўзини банкрот деб эълон қилиш жараёнида молиявий аҳволини акс эттирувчи қабаки ҳужжатлардан фойдаланса ва бу ҳолат кредиторларга кўп миқдордаги зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЖК нинг 180 ва 209-моддалари бўйича жиноятлар жами тариқасида жавобгарлик юзага келади (209-модданинг субъекти мансабдор шахс белгиларига эга бўлиш талаб қилинади).

Қонунда жиноятнинг субъекти сифатида 16 ёшга тўлган жисмоний шахс кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, мазкур жиноят иқтисодиёт соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келиши ва бундай фаолият учун алоҳида талаблар ўрнатилганлиги боис жиноят субъектининг факультатив белгилари ЖК нинг 180-моддаси мазмуни билан қамраб олиниши керак. Яъни "хўжалик юритувчи субъект" терминини "юридик шахс раҳбари, ҳамда якка тадбиркор" термини билан ўзгартириш қонунни тўғри тушуниш ва татбиқ қилишга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларнинг суд-тергов ходимлари томонидан амалиётда тўғри қўлланилишига эришиш қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларнинг самарали натижаси сифатида намоён бўлади. Бунинг учун эса уларни бир-бирларига мослаштириш ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш лозим.

Сайёд ЖУМАБОЕВ

Mohiyat

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

Хоразмда Рўзимат ота Ёқубов деган бир алломасифат инсон бор. Отахон саксон ёшни қоралаб қолган.

Истиқлолимизнинг дастлабки ойларидаёқ у мазмуни халқимизнинг бой маданий мероси, маънавий дурдоналарини ўзида жамлаган китобларини бирин-кетин чоп эттира бошлади. Бундай асарларни бир кеча ёинки бир неча ой, ҳатто йиллар мобайнида ҳам ёзиб тугатолмайсиз. Кейин билимизча, бу асар уларнинг бари ўзлигимиз ва руҳиятимиз "занжирбанд" этилган машъум салтанат даврида битилган битиклар экан.

Куни кеча ҳузуримга отахоннинг ўғли келди. Отахоннинг ўзи бетоб экан. Шу боис ўзлари келолмай икки энлик қоғозни ўғлидан бериб юборибди.

Отахоннинг "Ваҳам" удуми ҳақидаги қайдларини ўқидиму, хаёлимда ғўр ёшлигимизнинг беғубор онлари гавдаланди. Уйимиз ёнидаги унча серқатнов бўлмаган йўлдан одамлар туман марказидаги бозорга ўтиб-қайтиб туришган. Сира ёдимдан чиқмайди: Қишлоқда пишиқчилик кунлари бошланаётган кезлар эди. Бир куни ўйин учун ўша йўл ёқасидаги серсоя ўрик дарахти остини танладик. Бундай қарасак, мевалар ғарқ пиша бошлабди. Аллаким дарахт танасига узун хода ҳам суяб қўйибди. Уни даст кўтарганча ўрикнинг синиб тушаётган баргновдаларига ҳам парво қилмай меваларни қоқиб ейишга тушдик, кимдир эса ўрикка суялган нарвонга чирмаша кетди. Бехосдан ёнгинамиздан "Ҳой, нима қиляпсизлар?!" деган таҳдидли товуш эшитилди. Қаршимизда қариб, мункиллаб қолган бобом турарди. У анча ҳовуридан тушган эди:

— Ўрик ейман десанглар, уй ортидаги боққа ўтинглар, ҳаммаси мени е, мени е, деб турибди. Буниси йўловчилар учун. Кимки соясида ҳордиқ чиқариб, мевасидан еса, тани роҳат топади. Кейин эса бу дарахтни яратган худойимга ва парвариш қилиб, меваларини етиштирган кишиларга тасанно айтиб, дуо-фотиҳа қилади, етти пушт ўтмишимизни ёд этиб, Қуръони Каримдан оят ўқишади. Бир ҳорғин одамнинг дарахт соясида дам олишига, роҳат қилишига имкон бермоқдан ортиқ савоб бўлмас, болаларим. Буни ҳаргиз эсдан чиқармангизлар.

Раҳматли бобомнинг бу ўгитини эшитганимга 50 йилча бўлиб қолди. Тан олмоқ ўринлики, қишлоқдаги боғимизда ўша кезлар барқ уриб ўсган ўрик дарахтларидан бир тупи ҳам қолмади. Бари қуриб битган. Ўрнига эса янгилари экилган. Одамлар ўтиб-қайтиб юрган йўл ҳам йўқ. Уни бошқа жойга кўчиришган. Бироқ, не мўъжиза-шафоатки, бобом савоб учун эккан ўша ўрик дарахти ҳамон яшамоқда, мева бермоқда. Ўзини эмас, ўзгаларни ўйлаб қилинган савоб-садақанинг илоҳий қудрати эмасмикан бу?

Кези келган экан, ўзимдан ўтган катта хатони ҳам афсус-ла тилга олмоғим даркор. Боболарим-ку ўзларига етти ёт мўмин бандаларни дея савобни ҳам ўйламаган ҳолда дарахт экиб, мевасини элга тортиқ этибди. Аммо, биз-чи? Ҳозир оилам билан шаҳарда яшайман. Лекин, ўйлаб кўрсам умр бўйи мактаб кўрмаган косиб бобомча бўлолмабман. Ўтган-етганларга атаб ақалли бир туп дарахт ўстиролмабман. Кўриб-билиб турибманки, бошқа қўни-қўшнилар ҳам бу ишни қилолмаган. Эзгуликни дилига жо этолмаганлар бир ўзимиз эмаслигидан афсусим тағин-да ортади.

Ҳа, минг таассуф. Кўп минг йиллик бой кечмишимиз мобайнида халқимиз эришган юксак одамийликнинг айрим намуналарини Рўзимат бобонинг икки энлик қораламасини ўқиганимча эслаб ўтирибман.

Ҳечдан кўра кеч яхши, деганларидек, қай йўсин бўлмасин қарз узилмоғи фарз. Бир мўмин инсон қўлидаги битикларни кўпчиликка етказа олсам, шоядки гарданимдаги қарзнинг бир бўлаги узилса... Ундан таъсирланганларнинг бири бўлмаса, яна бири дарахт ўстириб, ўтган-кетганларга едирар, шу йўл билан элнинг дуосини олар. Кўнглимиз шундагина таскин топса ажабмас. Хуллас, қуйида ҳукмингизга ҳавола этилаётган ҳикматларда бир олам маъни, мазмун ва ўгит намуналари мужассам.

"<u>ВАҲАМ</u>": Аждодларимиз маънавий баркамоллигининг ёрқин намунаси ҳисобланмиш бу удум ўтганларнинг яқинлари томонидан бажо келтирилган. Яъни марҳумдан қолган дала ёки боғнинг муайян қисмида етилган неъматларнинг бир бўлаги бевабечораларга хайрия тарзда инъом этилган. "Ваҳам"нинг бошқа бир кўриниши ҳам мавжуд. Унга кўра эътиқодли, мўмин кишилар имкон қадар йўл бўйлари ва унга яқин жойларда йўловчиларга атаб мевали дарахтнинг муайян туридан бир тупини экиб, парвариш қилган. Дарахт бўй тортиб, ҳосилга киргач, мевасини қоқиб ёки териб ейишлари учун унинг ёнига хода ва шоти, серсоя шохлари остига эса бўйра, кигиз ёки намат ташлаб қўйилган. Дарахтнинг таги ҳамиша тоза ва озода тутилган, ҳар куни супуриб-сидирилган, сув сепилган. Бундан дили яйраган йўловчилар меваларни иштаҳа билан тановул қилишган. Истироҳат қилгач, юзларига фотиҳа тортиб, бу савоб ишнинг соҳибларига Яратгандан улуғ марҳамат сўрашган, ўтганларнинг охиратлари обод бўлишини тилаб, муборак оятларни тиловат этишган. "Ваҳам" учун аталган дарахт меваларини уй эгалари ёки қўни-қўшниларнинг истеъмол қилиши жоиз саналмаган.

«УШР ВА ҲАҚҚУЛЛОҲ»

Ерга дона сочиб, ғалла-ризқ-рўз ундирган деҳқон хирмон йиғилар чоғи ҳосилнинг бир қисмини ажратиб олиб, шу элнинг сартароши, тегирмончиси, ўғил-қизларга таълим берувчи домла ва имомга тенгма-тенг улашиб берган. Бу удум аҳоли тилида "Ушр", деб аталган. Ҳосилнинг яна бир қисми "Ҳаққулла" учун ажратилган ва биринчи галда ғариб-ғураболарга, ёнғин, тошқин ёки бошқа хил табиий офатлардан азия чекканлар ўртасида тақсимланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

"ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНА ОЛМАЯПМИЗ..."

Tahrirsiz maktub

Мен 1995 йил 1 июн куни пойтахтмиздаги 4-сонли туғруқхонада фарзандли бўлдим. Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасидан келган ходим "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни"да фарзандли бўлганим учун табриклаб, давлат томонидан қизимнинг номига ўн олти ёшга тўлгунча банкка маблағ тушиб туришини айтди. Бунинг учун шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига бориб, зарур ҳужжатларни тақдим қилишимни таъкидлади. Фарзандим икки ойлик бўлганидан сўнг соғлиқни сақлаш бошқармасига борганимда, у ердагилар Марказий банкнинг Миробод туман жамғарма банкига бориб, у ерда қизим номига омонат дафтарчаси очишим лозимлигини тушунтиришди. Ўша куни Миробод туман жамғарма банкига бордим. У ердагилар "бу ишлар билан шуғулланувчилар бугун бўлмайди, уч-тўрт кундан кейин келинг", дейишди. Айтилган муддатда борсам, энди журнал темир сандиқда экани, унинг калитини бир ходим олиб кетганини айтишди. Қўлимда чақалоғим бўлгани учун у ходимни кута олмадим. Орадан бироз вақт ўтказиб, сентябр ойида яна банкка мурожаат қилдим. Бу сафар бир ходим бир талай журналларни кўриб чиқдида, "бу рўйхатда сизнинг фамилиянгиз йўқ, ким айтган бўлса, ўшанинг олдига боринг", деди норози бўлиб. Уларнинг қўпол муомаласидан сўнг борганимга хижолат бўлиб, бу ишни ташлаб қўйдим. Бу орада бошимга кўп мусибатлар тушди. Ҳозир ёлғиз ўзим икки фарзандимни вояга етказаяпман. Яқинда қизим етти ёшга тўлиб, мактабга боради. Газетага ёзишдан мақсадим — зора қайд қилинган масала ўз ечимини топса? Бу оилавий аҳволимизга анча ёрдам бўлган бўларди.

Маърифат БУТУНБОЕВА,
Тошкент шаҳри

Таҳририятдан: *Биз мактубда билдирилган фикр-мулоҳазалар бир томонлама эканини инобатга олган ҳолда бирданига хулоса чиқаришга шошилмаймиз. Ушбу мактубни йўллаган аёлнинг шикоят даъвоси қонун тарафидан қанчалик ўринли ёки ўринсиз эканини тегишли идоралар батафсил ўрганиб, албатта бизга аниқ жавоб беришларини кутиб қоламиз.*

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ЎЗБОШИМЧАЛИК НИМА?

Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англамаслик, ўз ваколати доирасида белгиланган хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаслик оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши мумкин.

Масалан, электр тармоқлари идораси ходимларининг ваколат доираларига электр тармоқлари йўлларига ғов бўлувчи тўсиқларни (тол, терак ёки бошқа предметлар) бартараф қилишлик кирса-да, аммо бу ҳолатни қўполлик ва эгаларининг розилигини олмасдан ёки уларнинг мол-мулкига жиддий зиён етказиш йўли билан амалга оширишлик ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқаради. Ёки бошқа бир мисол. Фуқаро ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузиб (масалан, қабул куни бўлмасада қабулга ўзбошимчалик билан киришга уриниш, муайян муддат берилган аризани муддатсиз равишда ҳал қилишни сўраб ўз ваколатларини ошириб юбориш ва ҳоказолар) соғлом иш муҳитига таъсир кўрсатиши ва фуқароларнинг соғломлари ва қонун йўли билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказиши ўзбошимчаликдир.

Қонунларимиз бундай қонунсизликка ҳам ўз муносабатини белгилаб берган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 200-моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса, Жиноят Кодексининг 229-моддасида жиноий жавобгарлик қайд қилинган.

Ҳа, агар ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача қамоқ нақд деб ҳисоблайверинг...

Ўзбошимчалик, олифтачилик ва манманлик ҳеч қачон, ҳеч кимга наф келтирмаган.

Jahon tajribasi

НАПОЛЕОН ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

Бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларидан бири бўлган Франция ривожланишнинг кўп асрлик тарихига эга. Хусусан, буни унинг ҳуқуқий тизими ривожида ҳам кўриш мумкин. Албатта, Франция ҳуқуқий тизими тарихи ҳақида сўз кетганда, энг аввало, император Наполеон томонидан жорий этилган фуқаролик кодекси тилга олинади. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур кодекс яратилгандан буён то ҳозирги кунга қадар ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Агар мамлакат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1789 йилги инқилобга қадар иккита ҳуқуқий тизим мавжуд бўлиб, уларнинг бири мамлакатнинг жанубий қисмида — Рим ҳуқуқи, шимолий қисмида одат ҳуқуқи сифатида амал қилинган.

Шунингдек, бу вақтда Францияда савдо ҳуқуқига таааллуқли қонунлар мажмуаси ҳам амалда эди. Аммо уларни ислоҳ қилиш зарурати туғилганди. Шу боис ҳукумат махсус мажлис чақириб, янги фуқаролик кодексини ишлаб чиқишни режалаштирди.

1790 йилдаги мажлис қарорига биноан фуқаролик кодекси бутун Францияга тарқатилиши лозим эди.

Шу тариқа 1793 йил қонун чиқарувчи орган — Конвент фуқаролик қодексини ишлаб чиқиш ҳақида янги қарор чиқарди ва 10 ой муддат ичида жами 695 моддадан иборат қонун лойиҳаси тузилди. Аммо бу лойиҳа жуда мураккаб бўлгани учун комиссия томонидан бошқа кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1794 йилда эса 3-чи лойиҳа тавсия этилди. Лекин у ҳам қоғозда қолиб кетди.

Ниҳоят, 1800 йил 13 августда 4-лойиҳани ишлаб чиқиш учун тўрт нафар аъзодан иборат комиссия тузилди ва барча лойиҳалар қайтадан кўриб чиқилди. Лойиҳаларни қайта ишлаш ниҳоясига етгандан сўнг 1804 йил 21 мартда янги кодекс эълон қилинди. Бу кодекс 1807 йили Наполеон кодекси, 1816 йилда эса фуқаролар кодекси деб аталди. 1852 йилда яна Наполеон кодекси деб атала бошланди. Францияда республика тузуми ўрнатилгандан кейин яна фуқаролик кодекси номини олди. Мазкур кодекс учта китобдан иборатдир.

Кодекснинг биринчи китоби жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, оила ва никоҳ муносабатларига бағишланган. Иккинчи китоб эса мулкий ҳуқуқ меъёрлари ўз аксини топган. Учинчи китобда мулкка эгалик қилиш ва эгаллаш усуллари баён этилган.

Биринчи китобда фуқароларнинг яшаш жойи, никоҳдан ўтиши ва ажратиши, оталикни белгилаш, балоғат ёши, муамолага лаёқатлиги каби масалалар белгилаб берилган.

Унга кўра Францияда туғилган ҳар қандай қонуний бола ёки чет элда яшаган француздан туғилган бола; отаси ҳам, онаси ҳам Францияда туғилган ҳар қандай қонуний бола; онаси Франция фуқароси бўлган, Францияда туғилган ҳар қандай қонуний бола; ҳар қандай никоҳсиз бола, агар ота-онасининг келиб чиқиши балоғат ёшигача аниқланган, иқрор бўлган ёки суд хулосаси билан оталик белгиланган бўлса; номаълум ота-онадан Францияда туғилган ҳар қандай бола фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлган.

Давлатнинг ички ёки ташқи хавфсизлиги ҳаракатларини содир қилган; хорижий давлатнинг фойдасига хатти-ҳаракатлар амалга оширилган; ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги қонунлардан келиб чиқиб мажбуриятни бажаришдан бош тортган; Францияда ёки чет элда оғир жиноят содир этган учун 1 йилдан кам бўлмаган қамоқ жазосига ҳукм этилган фуқаролар эса фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Наполеон кодексида оила ва никоҳ масаласига муҳим аҳамият берилган.

Мазкур кодексда 18 ёшга кирмаган эркак ва 16 ёшга кирмаган аёл никоҳдан ўтиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳдан ўтишда икки томоннинг розилиги сўралиши қайд этилган. 1-чи никоҳни бекор қилмасдан 2-чиси билан никоҳдан ўтиш таъқиқланган. Мазкур кодекснинг бошқа қонунлардан фарқли жиҳатларидан бири 25 ёшга тўлмаган ўғил ва 21 ёшга тўлмаган қиз бола ота-онасининг розилигисиз никоҳдан ўта олмаслигидир Мабода ўртада юзага келган тақдирда истисно тариқасида отанинг розилиги етарли бўлган.

Ушбу қоида 1907 йилга келиб ўғил ва қиз болалар учун баробар 21 ёш этиб белгиланган.

Наполеон кодексида эр-хотиннинг мажбуриятлари болаларни боқиш ва тарбиялаш; эр-хотинлар бир-бирини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган.

Унга кўра, эрга оила бошлиғи сифатида оиланинг турар жойини танлаш ҳуқуқи берилади, хотин эса ўз эри билан яшашга мажбур ҳисобланган.

Эр-хотиннинг бири вафот этса: никоҳ қонуний тартибда бузилса: уларнинг бири вафосизлик қилса ёки улар бир-бирига қўпол муамолада бўлса никоҳ бекор қилинган.

Кўриниб турибдики, Наполеон кодексида фуқароларнинг айрим ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифодалаб берилган. Бошқача айтганда, кодекс инсон манфаатига, уларни шахс сифатида тан олишига қаратилган.

Шу боис ушбу кодекс кўп йиллар мобайнида Боден, Берг, Варшава герцогликларида, Голландия, Италия, Швецария каби давлатларида амалда бўлди. Шунингдек, у Франция давлатининг ҳозирги қонунчилигида ҳам ўз аксини топди. Бу эса Наполеон кодексининг ўз вақтида анча мукаммал тузилганидан далолатдир.

Саломат НИЁЗОВА

Mulohaza uchun mavzu

БАҒРИКЕНГЛИК КУНДА КЕРАК, АММО...

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Шунинг учун унинг ҳаёти, тақдири ўзгалар қўлида ҳеч қачон ўйинчоққа айланмаслиги лозим. Шу маънода қонун назоратчилари зиммасига алоҳида муҳим ва масъулиятли вазифа юклатилганлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Албатта, жазо ҳукм қилинаётган шахс учун оғир фожиа. Бунинг яна бир оғир жиҳати, шунингдек, тайинланган жазодан нафақат маҳкум-айбланувчининг ўзи, балки унинг барча қариндош-уруғи, ҳаттоки қарши тарафдагилар ҳам чуқур азият, изтироб чекади. Биз — қонун назоратчилари ўзгалар тақдирини ҳал этиш, яъни жазо тайинлаш чоғида рўй бериши муқаррар бўлган бу каби маънавий-руҳий ҳолат ва унинг оқибатлари хусусида ўйламасликка, етти ўйлаб бир кесмасликка ҳаққимиз йўқ. Бундай вазиятларда қонун қўриқчилари айбланувчининг ўзидан кўра унинг яқинлари тақдирини кўпроқ ўйлаши, буни зинҳор эътибордан соқит этмаслиги, дарду ташвишига шерик бўлиши ниҳоятда зарур. Энг аввало инсонийлик таомиллари шуни тақозо этади. Зеро, қонуннинг талаби ҳам шу. Айни пайтда адолатли қонунларимиз ва унинг жиловини ушлаганларнинг эл орасидаги обрў-эътибори ҳам ана шу таомилга амал қилиш соҳасидаги саъй-ҳаракатларга боғлиқ.

Бу фикрларни қоғозга туширяпман-у, хулосаларим кимнингдир эътирози, норозилигига сабаб бўлмасмикин, қарши далил ва мисолларга дуч келинмасмикин, деган ўй-фикрлар ҳам хаёлимдан нари кетмаяпти. Ҳа, замонавий ҳуқуқшунос масаланинг бу жиҳатига ҳам, албатта, эътибор билан қараши, бир сўз билан айтганда, етти ўлчаб бир кесиши даркор.

Қуйида ҳукмингизга ҳавола этилаётган мисол бу борадаги фикрларингизга аниқлик киритса, ажаб эмас. Даставвал эса шахсий фикр тариқасида шуни таъкидлайманки, тақдири судда ҳал этилиб, ҳикоямиз қаҳрамонига айланган кимсага тайинланган жазога нисбатан кўнглимда деярли шубҳа уйғонмади. Ҳар қалай, белгиланган жазонинг оғир ёки енгиллигига холис ҳакамлик қилиш ўзингизга ҳавола.

Урганчлик Равшан Кенжаматов ўттиз ёшга етмай туриб уч марта судланди. Уни билган-таниганлар содир этган дастлабки жиноятини эҳтиётсизлик ва тасодифга йўйишди. Аммо Равшаннинг жинояти ўшандаям ҳазилакам эмасди. Суд унинг хатти-ҳаракатларини Жиноят Кодексининг бир неча моддалари билан малакалаб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилган эди. Бу унинг шундан сўнг содир этган жиноятларига шаклан ўхшамаса-да, қора қилмишларининг бошланиш нуқтаси бўлиши ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Р. Кенжаматов гарчи жиноятига яраша жазо олса-да, Юртбошимизнинг бағрикенглик намуналарига йўғрилган Амнистия актларига мувофиқ 1997 йилдаёқ озодликка чиқади. Аммо ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган жазо муддатини 1999 йилнинг иккинчи ярмида ўтаб бўлади. Унинг озодликдаги ҳаёти узоқ давом этмайди. 2001 йилнинг январидаёқ яна панжара ортига йўл олади. Бу гал уни қамоққа гиёҳвандлик иллати етаклайди. Жиноят Кодексининг 276-моддаси 2-қисми билан айбланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум қилинади. Бироқ бу гал ҳам Президентимизнинг марҳаматидан фойдаланиб, амнистия юзасидан 2001 йил 22 августда чиқарилган Фармонга биноан жазодан озод қилинади. Равшан ўзининг дастлабки жиноятини содир этиб, озодликка чиққач, атиги 1,5 йил сокин ҳаёт кечирган бўлса, иккинчи марта содир этган қонунбузарлиги учун қамалиб чиққач, эркин фуқаро мақомида бор-йўғи уч ой умргузаронлик қилди, холос. Ўтган йилнинг 21 декабр куни яна «назар»га тушди. Гумондор сифатида кийимлари кўздан кечирилганида, чўнтагидан анча миқдор "умр оғуси" — героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Р. Кенжаматовнинг иккинчи марта қамалиш чоғидаги «энди наркотикнинг яқинига бошимга қилич тушсаям йўламайман», деган тавба-тазаррусини биз ҳуқуқшунослар ҳали унутганимизча йўқ. Хўш, энди бунисига нима дейсиз? Тавба-тазаррунинг умри наҳотки уч ойга етмаёқ тамом бўлса?!

Хуллас, суд ва тергов уни бу гал ҳам Жиноят Кодексининг 276-моддаси 2-қисми билан айблади. Яна 4 йил муддатли жазо чораси. Шуни ҳам қайд этмоқ жоизки, Равшан Кенжаматов ўтган бир неча йил мобайнида шунчаки исътемолчидан ашаддий гиёҳвандга айланди. Суд терговлар маҳкамасининг бу хулосасини ҳам инобатга олди ва Кенжаматовга жазони ўташ мобайнида мажбурий даволаш чораларини жалб қилди.

Хўш, унинг бундай аянчли ҳолга тушиб қолишига ким сабабчи? Ота-она, қариндош-яқинлар, қолаверса, Урганч шаҳрининг у яшаган "Байналминалчи" маҳалласи фаоллари бир навқирон йигитни фожиа йўлларидан нега асраб қолиша олмади? Р. Кенжаматов ўттиз ёшнинг бўсағасида уч марта қамалгани улар учун энг оғир сабоқ эмасми? Ота-боболаримиз ниҳолга қай тариқа шакл берсанг, шу ҳолда ўсади, дейишади. Бу нақл фарзанд тарбиясига ҳам бевосита дахлдор.

Бизни эса бошқа нарса ўйлантиради. Умр — оқар дарё, 4 йил ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб-кетади, Равшан ҳам яна оила бағрига қайтади. Бироқ ўшанда нима бўлади? Навқиронлигидаёқ уч марта қамалиб, жиноий хатти-ҳаракатларга аллақачон кўникиб қолган кимсанинг ҳаёти буёғига сокин кечишига ишона оласизми? Бошарти, Равшан ва унинг тоифасидагилар жиноятга такрор-такрор қўл уришса, уларга нисбатан жазонинг енгилроғини қўллаш, қилмишини кечириш ёки бағрикенглик қилиш инсонийлик тамойилига кирадими?! Бундай вазиятларда жиноятчининг айрим яқинлари кўнглини овлаб, жазони енгиллаштиришга қонун ва виждон изн берадими? Бу саволларга бир оддий ҳуқуқшунос сифатида баҳоли қудрат ўзим ҳам жавоб беришим мумкин. Аммо масалага мен эмас, жамоатчиликнинг ўзи аниқлик киритгани маъқул.

Бинобарин, айрим ёшлар ашаддий жиноятчига айланиб қолишаётган экан, бунинг учун авваламбор ким жавоб бериши керак? Умуман, тарбия, жазо чоралари кутилган самарани бермоғи учун қандай тадбирларга қўл урмоқ даркор? Бу ва бу каби саволларга бериладиган жавоблар мамлакатимизда жиноят ва жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этишига астойдил ишонаман.

Х. ЖУМАНИЁЗОВ,
ҳуқуқшунос



Faoliyat va mas`uliyat

ҲАҚҚОНИЙ ТЕКШИРУВ

Инсоният учун оламшумул муаммолардан бири бўлган гиёҳвандлик жиноятларини фош этиш ва олдини олишда суд-экспертиза хизмати ҳам салмоқли ўрин тутади. Бугунги кунда бундай жиноятларни очиш, жиноий ишлар бўйича одил судловни таъминлашда суд-экспертизанинг хулосалари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказида суд-экспертизанинг 30 дан ортиқ турлари бўйича эксперт хулосаларини бериш тасдиқланган. Ушбу суд экспертизанинг хулосасига кўра, гиёҳванд экинларни етиштириш, психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлаш, сақлаш ва истеъмол қилиш жиноий ишлар турига киради.

Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик ва наркобизнеснинг кучайиб бориши оқибатида қанчадан-қанча оғир жиноятлар содир этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, бундай ишларда ўсмир болалар, хотин-қизлар ва қарияларнинг иштирок этиши жуда ҳам ачинарли ҳол. Масалан, Сурхондарё-Нукус йўналиши бўйича Россия давлатига йўл олган фуқаро С. нинг «ВАЗ-21063 Жигули» русумли машинаси тўхтатиб текширилганда, автомашинанинг орқа юкхонасига жойлаштирилган кўп миқдордаги гиёҳванд воситаси борлиги аниқланган. Криминалистика маркази 25 килограммга яқин оқ-сарғиш рангдаги бу моддани ўта заҳарли ва кучли гиёҳванд воситаси — «героин» эканини аниқлаб берган.

Шундай кимсалар ҳам борки, улар асосан содда ва ишонувчан одамларни алдаб, баъзи бир кимёвий моддаларни "гиёҳванд воситаси", деб қиммат баҳога пулламоқда. Мисол учун тожикистонлик К.нинг сумкасидан ҳар бирида 257 гр модда бўлган 50 дона капсула топилган. Худди шундай капсула бошқа бир аёлнинг сумкасидаги нонлар ичида ҳам борлиги аниқланган. Бу иккала аёл буларни «героин» деб анчагина қиммат нархда сотиб олган бўлиб, янада қимматроқ сотиш мақсадида Москва томон йўл олишган. Криминалистика марказида ўтказилган кимёвий ва хроматографик таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, бу моддалар ҳеч қандай гиёҳванд воситаси бўлмасдан, безгакка қарши қўлланиладиган «хлорохин» дори воситаси экан.

Тажрибадан аёнки, кўпгина гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларга ранги ва ташқи кўриниши ўхшайдиган кимёвий моддалар ҳам учраб туради. Масалан, А. исмли бир йигит чўнтаги текширилганда оқ-сарғиш рангли 400 гр кукунсимон модда топилди. Ушбу модда кимёвий, спектрал ва хроматография усуллар билан таҳлил қилинганда, у гиёҳванд воситаларига умуман тааллуқли эмаслиги аниқланди. Экспертизанинг ҳаққоний хулосалари ушбу фуқароларни жиноий жазодан озод қилишга асос бўлди. Шунингдек, фуқаро Э. дан олинган таблеткалар ҳам гиёҳванд воситаси ёки психотроп моддаси эмаслиги, фосфорорганик моддалар билан заҳарланганда қўлланиладиган "тарен" таблеткаси экани исбот қилинади. Бундан ташқари, фуқаро У.нинг уйидан мусодара қилинган далилий ашёнинг гиёҳванд моддасига тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш учун ҳам махсус текширув талаб этилиб, криминалистика марказига мурожаат қилинган. Таҳлил олиб бориш жараёнида 42 гр оқ кукун гиёҳванд модда эмаслигини, балки у натрий, магний ва кальций деган ноорганик тузлардан ташкил топган аралашма модда экани аниқлаб берилди.

А. исмли аёл милиция ходимларини "мижоз" деб ўйлаб, 727 грамм героинни 8300 долларга сотаётганида ушланган ва у дастлабки тергов пайти ушбу героин воситасини жазмани М. олиб берганини маълум қилган. Фуқаро М.нинг уйидан ҳам 0,55 грамм героин топилган. Ушбу ашёвий далиллар юқорида қайд қилинган усуллар билан текширилганда, улар героинга тааллуқлилиги, уларда сифат ва миқдор бўйича бир хил моддалар борлигини ҳисобга олинганда, аёлдан олинган кўп миқдордаги героин ва М. дан олинган героин аввал бир хил таркибни ташкил қилгани аён бўлди.

Айни чоғда Республика криминалистика марказида юқори илмий савияга эга мутахассислар холис ва аниқ хулоса беришни таъминловчи замонавий техник жиҳозлар ёрдамида иш олиб бормоқда.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, гиёҳвандликка қарши курашда ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш вакиллари билан бир қаторда гиёҳвандлик моддаси ва психотроп моддалар экспертизаси бўйича мураккаб масалаларни тезкор суръатда аниқлаб берадиган суд-экспертиза ходимлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда.

Т. ИСЛОМОВ
Республика криминалистика маркази ходими

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда.)

Яратганнинг йўлига аталган бу каби хайру савоб ишларнинг тури анчагина. Чунончи, катта йўл бўйларида йўловчилар чанқовини қондириш ва от-уловларни суғориш учун махсус қудуқлар қазилиб, ёнига пақир ва новлар қўйилган. Даромади кўтарган ҳолларда эса йўл ва кўприклар қуриш, кечувларда қайиқ қатновини йўлга қўйиш ҳам расм бўлган. Айни пайтда қабристонларни тозалаш, обод қилиш ҳам хайру савоб ишлардан саналган. От ёки арвада кетаётиб, йўлда майит кўтарганларга дуч келган йўловчи эса дарҳол уловдан тушиб, тобутни елкасига олишни инсонийлик фарзи ҳисоблаган. Шунга монанд бошқа бир ҳолатда эса ота-боболаримиз шоирнинг "Сен авайлаб бос қадамингни, бу ерда инсонлар ётур" каломига қатъий амал қилишган. Ёшларга эса "Йўлинг қабристон яқинидан тушса уловинг жиловини торт, энг яхшиси, ундан тушиб, яёв юр, кўчада кўзи ожиз бандага рўпара келсанг, дарҳол қўлидан олиб, йўлнинг бехатар жойига ўтказиб қўй", дея ўгит беришган.

Зардуштийликнинг кўпгина ибратли қоидалари ҳатто ислом таълимотига ҳам уйғунлашиб кетганки, бу аждодларимизнинг Яратганга маъқул амалларни ҳар қандай ҳолатда ҳам канда қилмай бажо келтиришганининг яққол ифодасидир. Узоқ сафарлар, жангу жадаллардан омон қайтган ва ўзга хонадонга қутлуғ қадам билан кириб келганларнинг ўтдан ҳатлаш йўли билан покланиши ана шу русумларнинг фарз сифатида эътироф этилади. Шунингдек, бирон сабабга кўра йўлдан ва сафардан нохушланиб қайтганлар ҳам уйларига олов орқали кириб келишган. Уч-тўрт кун бола ухламаган бешиклар ҳам олов ёрдамида турли макруҳлардан тозаланган. Бу удумни кайвони онахонларимиз "Алас-алас", деб аташган. Тобут кўтарилган хонадонда бир неча кунлар қозонга олов ёқилмагани, ўша уйнинг соҳиблари учун қўни-қўшнилар овқат тайёрлаб келишгани, мурда ётган хонадаги егуликлар истеъмолдан четга сурилгани, марҳум қабрга қўйилган эса уй "Алас-алас" этилгани сабабларини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Халқимизнинг бундай дурдона удум ва одатларни ниҳоятда кўп ва серқирра. Биз унинг айримларинигина ҳукмингизга ҳавола этдик. Ўзининг бой ўтмишидан маънавий баҳраманд бўлиб, уни турли амалларда намоён этишга бел боғлаганларга ҳаётда бахт ва бахтиёрлик, руҳ поклик ва бардамлик доимо ҳамроҳ бўлишини ҳам ҳеч ким унутмаса, деймиз. Истиқболи учун маънавий қувватни ўтмишдан излайдиганларга омад ҳамиша ёр бўлишини ҳаёт тажрибаси аллақачон исботлаган.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Мактабга дарс тайёрламай келган ўқувчидан муаллим сабабини сўради.

— Ойим билан дадам уйда жанжаллашганлари-жанжаллашган, - деди бола.

— Ойингни яхши биламан, - деди ўқитувчи. — Сенинг даданг ким?

— Улар ҳам худди шу масалада жанжаллашади-да!

Mitti maslahat

ҒАЙРИҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИШ — ЖИНОЯТ

Баъзи бир давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларда "Меҳнат тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш, меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш ҳолатлари учраб турмоқда. Масалан, мансабдор шахслар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш, била туриб ғайриқонуний равишда ходимни ишдан бўшатиш, суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги қарорларини бажармаслик, аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишда ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш каби ҳолатлар учраб туради.

Бундай ҳолатлар, энг аввало, амалдаги қонунларимизга мутлақо зиддир. Республикамиз Конституциясида меҳнат қонунчилигимизда белгилаб қўйилган қонуний талабларни бузганлик, фуқаролар манфаатларига путур етказиш учун муайян жазо чораларини белгиланган. Булар нималардан иборат?

Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги кодекснинг 49-моддасига кўра мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши — энг кам иш ҳақининг 2 барваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят Кодексининг 148-моддасида кўзда тутилган жазо чоралари ҳам кўпчиликни ҳушёрликка ундайди.

Хусусан, ушбу модданинг 1-қисмида ғайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик ҳолатлари учун, агарда шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. 148-модданинг 2-қисмига мувофиқ, агарда аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш — энг кам ойик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолашга асос бўлади.

Жавобгар бўлмай десангиз — қонунлардан воқиф бўлинг, ўз ишингизга виждонан ёндашинг, азизлар!

Jinoyatga jazo muqarrar

НОЖЎЯ ЎЙИН, СИНДИРАР БЎЙИН

Бундан икки йил муқаддам Термиз шаҳри ва унга туташ ҳудудларда айрим фуқароларнинг хонадонига ниқоб кийиб олган босқинчилар тўдаси ҳужум қилганлиги ҳақида ваҳимали "миш-миш"лар тарқалган эди. Биров бунга ишонди, биров ишонмади. Бироқ ҳар қандай "миш-миш"нинг ҳам замирида оз бўлса-да, ҳақиқат ётади. 13 нафар кишидан иборат уюшган жиноятчилар пухта ўйланган режа асосида ўзлари «кўз ости»га олган хонадонларга тун ярмидан сўнг юзларига ниқоб тутиб, турли хил совуқ қуроллар билан босқинчилик қилишгани тўғрисидаги маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келиб турарди.

Уюшган гуруҳга Ғайратшоҳ Тогасиев бошчилик қилган. Жиноий тўда аъзолари 2 йил давомида фуқаролар хонадонига кириб, уларни қўрқитиш йўли билан қимматбаҳо буюм, пул ва мол-мулкларни талон-тарож қилишган. Улар содир этган ҳар бир жиноят бегуноҳ инсонларга қаттиқ жабр-зулм қилингани билан алоҳида ажралиб туради. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг билдиришича, мазкур жиноий гуруҳнинг фош этиш ва қўлга тушириш учун роппа-роса икки йил суриштирув, қидирув ишлари олиб борилган. Ниҳоят, босқинчилар тўдасининг барча аъзолари қўлга тушиб, тегишли жазоларини олишди.

Айтишларича, 2000 йилнинг апрел ойларида жиноий тўда бошлиғи Ғайратшоҳ Тогасиев ҳали вояга етмаган Алижон Арбобов ва Улуғбек Машрабовларни ўзига шерик қилиб олади. Улар Термиз шаҳари марказида истиқомат қилувчи Б. А. нинг хонадонини кузатиб, хонадон соҳибининг қачон уйга келиши, кетиши ҳамда хонадонга кириш йўлларини ўрганишади. 23 апрел куни бундан бехабар бўлган уй эгаси А. Б. тонг пайти ширин уйқуда эди. Тонг отишига ҳали икки соат бор. Тўсатдан хонадонга бостириб кирган ниқобли жиноятчилар унинг қўлига таёқ билан уриб, тилла буюмларни топиб беришни талаб этишади. Кутилмаган воқеадан саросимага тушган уй эгасининг оёғи тагига Алижон қўлидаги пичоғини тиқиб олади. Шундан сўнг жиноий гуруҳ бошлиғи бўлмиш Ғайратшоҳ унинг оёқ-қўлларини боғлаб, хонадонни ағдар-тўнтар қилади ва тўда аъзолари уйдан 465 минг сўмлик мол-мулкни олиб чиқиб кетишади.

Жиноий гуруҳ шу тариқа босқинчиликнинг «таъми»ни тотишгач, эндиги гал бошқачароқ режа тузади. Ўша йилнинг ёз ойларида Термиз шаҳар, Ат-Термизий кўчасида истиқомат қилувчи Х.С. исмли аёлнинг уйига кеч соат ўн бирларда боришиб, эшикни тақиллатишди. Ичкаридан аёл киши: «Ким у», деб сўрайди. Алижон Арбобов унга ҳозиржавоблик билан: «Мен, Муҳиддинман. Эшикни очинг», деб жавоб беради.

Аёл ўзига таниш исмни эшитгач, эшикни очади ва рўпарасида турган ниқобли босқинчиларни кўради. Жиноятчилардан бири қўрқувдан қалтираб турган аёлнинг бўғзига пичоқ тираб, унинг қўлларини боғлаб қўяди. Шундан кейин жиноятчилар уй эгасига тегишли бўлган 1 миллион 85 минг сўмлик мол-мулкни олиб чиқиб кетишади.

Гуруҳ аъзолари уйларга киришдан олдин босқинчилик режасини ҳар томонлама пухта ўйлашган. Бундан ташқари, Термиз шаҳар, Карпов кўчасида яшовчи Т. Н. нинг хонадонини кузатиб, 16 октябр куни тонг саҳарда қирқма милтиқ, пичоқ билан қуролланган жиноятчилар балкон орқали уйга бостириб киришади. Бу хонадондан 170 минг сўмлик мол-мулкни ўмариб кетадилар.

Жиноий гуруҳнинг нафси ҳакалак отиб борар, қинғир йўл билан топилаётган молу дунё уларни бу ишнинг оқибати нима билан тугашини ўйлашга имкон бермасди. 2001 йил 25 январ куни фуқаро Х. К. нинг хонадонига тунги иккиларда бостириб киришади. Уйдагиларни қўрқитиб, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилишиб, тилла буюмлар топилмагач, ҳовлида турган "Тико" енгил автомашинасига телевизор ва магнитафонни ортганларича ғойиб бўлишади.

Жиноий гуруҳ энди ўзига Муҳаммад Қодиров, Жўрабек Атамуродов, Садриддин Халилов, Холмурод Холмирзаев деган янги аъзоларни қабул қилиб, жиноий ишни яна давом эттиришади.

Тунги ширин уйқуда ётган аёлнинг хонадонига бостириб кирган Улуғбек Бўриев шериклари билан унинг бўйнига пичоқ тираб пул ва тилла буюмлар беришни талаб қилади. Шовқин-сурондан уйғониб кетган 4 яшар қизча йиғлаб турганида Улуғбек Бўриев қизалоқнинг юзига тарсаки тортиб, тинчитади. Бу уйдан 72 минг 375 сўмлик мол-мулкни олиб кетишга муваффақ бўлишади. Ниҳоят, 2 йил давомида босқинчилик жиноятларини содир этиб юрган 13 нафардан иборат жиноий тўда қўлга тушди. Улар ўз қилмишларига яраша жазо олдилар.

Аммо, бизни ташвишга қўйган нарса шуки, жиноий тўда ўсмирлардан иборат бўлган. Шу боис ўз фарзандлари тун ярмида уйга келмаслиги, нима билан машғул бўлиши ва уларнинг кечаю кундуз кўчада санқиб юришини сўраб-суриштирмаган ота-оналар ҳам қайсидир даражада айбдор эмасми? Хўп, бундан бехабар ҳам бўлишди дейлик. Кўз олдида тузуккина кийиниб, юриш-туриши ўзгарган фарзандини тергамайдиган ота-она охир-оқибат бунинг жабрини тортиши аниқку! Ота-онанинг ўз фарзандига бўлган эътиборсизлиги туфайли ҳам ёш ўспиринлар панжара ортида туришга мажбур бўлмадимикан?

Алқисса, ножўя ўйин, синдирар бўйин, деганлари бежиз эмас.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Giyohvandlik — ajal elchisi

"ОТАМДАН ҚОЛГАН НАША"

Бу рангин ҳаётда турли хил исмли, турли хил тақдирли кишилар кўп. Бир қишлоқда саксон ёшни қоралаб қолган Нашақул деган чолни учратиб қолиб, нега исмингиз Нашақул деб сўраган эдим. Шунда у мулойим кулиб, асли исмим Абдуғаффор, отам бой-бадавлат бўлиб, аввали фақат қиз фарзандлари туғилган. Кейин менинг онамга уйлангач, биргина мен туғилганман. Отам қариганида мени ҳамиша ўзи билан бирга етаклаб, бу менинг Нашам, Нашақулим, дея эркалатиб юрган. Шу-шу, Нашақул бўлиб кетганман. Лекин отам ҳам, мен ҳам умримизда наша деган касофатни оғзимизга олмаганмиз, дея жавоб берган эди.

Кўрдингизми, лақаби исмига айланиб кетган чол наша деган балони ирганиб тилга оляпти. Ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимизнинг исми Элмурод бўлса ҳам, ўз элининг мурод-мақсадига мос келмай, муаллим деган номга доғ тушириб, ўзи истеъмол қилгани етмагандек, уни сотмоқчи ҳам бўлиб қўлга тушиб, қамалиб ўтирибди. Асли воқеа бундай бўлган эди:

Элмурод Эргашев Чироқчи туманининг Ғаллачи қишлоғида яшайди. Оилали. 8 фарзандининг отаси. Маълумоти олий. Чироқчи туманидаги 77-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бор-йўғи икки марта "ўтириб" чиққан. Гиёҳвандлик хасталигига чалинган. Элмурод ўтган йилнинг 9 июн куни Қарши шаҳрига бориб келиш баҳонасида нарсаларини оқ сумкага жойлаб йўлга отланади. Қарши шаҳрига кетадиган автобусга ўтирган Элмурод негадир безовта эди. Омадни қарангки, автобус Яккабоғ туман чорраҳасига борганда ДАН ходимлари автобусни тўхтатиб орқага қайтишни, йўл ёпиқлигини айтишади. Шунда Элмурод машинадан тушиб, ДАН ходими олдига бориб, нима сабабдан йўл ёпиқлигини, қачон очилишини, иш билан кетаётганлигини, уни ўтказиб юборишларини сўрайди. Шунда милиция ходими эртагача йўл ёпилишини, яхшиси орқага қайтишни айтиб, сумкасини очиб кўра бошлаганда, Элмурод оёғини қўлига олиб, қочиб қолади. Ходимлар ҳам, атрофдаги одамлар ҳам ҳушёр тортиб, унинг ортидан қувиб, тутиб келтиришиб, оқ сумкани очиб кўришганда, унинг ичидан 29 та бўлакларга бўлиб ўралган гиёҳванд моддани топиб олишади. Сўроқ пайтида Элмурод бу гиёҳванд модда марҳум отасига тегишли бўлиб, отаси 1991 йилда вафот этишига қадар шу нашадан истеъмол қилиб юрганлигини, у вафот этгач шу гиёҳванд моддани оғилхонасига яшириб қўйганлигини ва бели оғриганда ивитиб боғлаб юрибман, деб баҳона қилди. Бироқ унинг бу тўқиганлари ғирт чўпчак бўлиб чиқди. Бўлакларга бўлиб, сотиш учун олиб кетаётган матоҳи 46, 3 грамм "марихуанна" бўлиб чиқди. Қонуний жазо олган Элмурод гиёҳвандлик хасталигига қарши мажбурий даволанадиган бўлди. Отасидан қолган наша Элмуродга қимматга тушди.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер оператори: **Мадина АБДУЛЛАЕВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.